



adabiyot ISLAMONLINE.UZ

Икки оғиз тариқатдан ҳам бўлсун (Абдулла Қодирий)

Хилват кунлари^[1] ҳам якинлашди. Кўрпа ёстикни сотиб бўлса ҳам баъзи совук сўфилар Туркистон йўлини — Султонул-орифин^[2] кабрини кўзлай бошладилар. Факирингиз ҳам тариқат ишларидан унча бепарво эмасман. Тўксон тушуб^[3] дахага кириш^[4] масаласи чикгач, факирнинг кўз ўнгига ёглик хасиб, кизил палов, аччиғ сомса, захардек чой гавдалана бошлайдир.

Ўзимизнинг шахардан топилиб турганда Туркистон шахарига бориб юргум келмайдир. Бултур ўзимизнинг Хазрат эшон ҳам Миён бузрукнинг ракобатига «даха» ўлтуришни одат килуб кўрган эдилар, натижа жуда яхши чиқди. Ўн еттита хилватхона тикилди. Ўттуз бешгacha муридлар дахага ўлтурдилар. Хар кун намозшомдан кеинин масжиднинг ичida сайл, хилватда ўлтурган ошна, ога-инининг олдига кирсак узок-якин ёр-дўстлардан келган анвоъи турлук неъмат, козок бовурники ҳам колмасун десак, яхна эт, эй... кайси бирисини санай энди...

Коринни дўппайтириб олгандан сўнг бошланади жаҳр. Хазрат эшон меҳробда, халканинг

бир чеккасида иккита хофиз, бир пайт зикр, бир пайт хикматдан хофизлик, йиги-сиги, аросат! Бу вактда тош битиб кетканлар хам эрийдир, дуо олиш учун бир онда эшон бобомиз когоз окча билан меҳроб оралаш кўмилган... ким ўгул талаб, ким киз талаб, хой бовур, нима тилагингиз бўлса кўл дуода, хонакох ичи кизгин бозор.

Нима кўп дунёда, ёмон кўп, яхши ишни кўра олмагучилар кўб. Шу якин орада ўзининг кўлидан эшонлик иши келмаган муллалардан биттаси: «Хонакоҳда савдо иши харом. Бас, савдогарликдан иборат бўлган «зикр самоъ» хам харом!» деб юбормасунми, бетамиз! Узок-якиннинг халфа муридлари халиги пештахамни ушлаб олуб «Хайф санга!» дейишдилар. Махалла ахлининг хамияти диниялари кўзгаб кетиб тиюксизни юртчиликдан хам чикаришга карор беришдилар. Эшонимизнинг «Илми ботиналари» кўб бўлса хам «Илми зохириялари» бир оз bemazарok. Бўлмаса халиги мулланамонинг кофирилги билан хукм килиш мана-берда турган гап эди. Шундай бўлса хам махалла юрт огаси муфти аълам бўлса шунга етти танга пул билан югуруб турубдир.

Факирингиз махкамай шаръиянинг ишсизлигига туруб-туруб хайрон коламан. Пайти келганда шундайин bemaza муллаларнинг кофирилги ва тошбўрон килиниши билан хукум килуб дунёда ўзидан бир от колдирмайдирми? Хар холда дунёда эр зоти куриган кўринадир.

Мухиббут-тарикат Жулкунбой
«Туркистон» — 1923 йил, 12 январ, 46-сон, 2-бет

[1] Хожа Ахмад Яссавий Сўфийлик мазхаби — яссавия сулукига асос солди, илохий ишкни куйлади. Аллоҳ жамолига мушаррафпик факат узлат-хилватда, зикру самода, вужуди мутлак билаи сухбатда деб билди. Яссавий «етти» ракамини илохий билиб, «Тарикат йўлида етти кун хилватда бўлиш 40 кунлик чилла ўтириш билан баробар» деб муридларига уқтирган. Дастлаб хилват Яссавийнинг рухсатига кўра уч жойда — Туркистонда, Сайрамда ва Корамурт кишлогида ўтказилган. Хилватни ўтказувчи шахслар — шайхулислом — шариъат билан боғлик ишларга жавобгар; ноиб хўжалик ишларига жавобгар; сўфидонишманд — намоз пайтини эълон килиш ва хофизларга, зокирларга навбат берувчи; сўфичирокчи хилват иштирокчиларини жойига ўтказиш хамда халим ва таом таркатиш вазифасини бажарганлар. Туркистон хилватти жадида — декабр ойининг сўнгги жумасидан бошланиб етга кун давом этган. Чорсанба ва пайшанба «Айём кунлари» хисобланиб, пайшанба — вазифа куни ахли мўминларга халим ва холвайтар таркатилган. Жума куни хам нешин намозидан сўнг халим таркатилган. Таомдан сўнг муридлар азизларни кўлда кўтариб хилватхонага келганлар. Йўлда хофизлар хазратнинг бевакт вафот этган ўглига атаб «Охинадомат»ни куйлаганлар. Хар бир азиз ўз кавми билан Яссавий кабрини зиёрат килиб, сўнгра хилватхонага тушган. Азизлар меҳробда кўлида тасбех, бўйнида ок рўмол (ридо) билан ўтириб фотиха бергач, хофизлар «Муножот»ни айтганлар. Хофизлар газалхонлик ва макомотлари

билан етти кун-тун хофизлик килганлар. Хилватда иштирок этиш хофизлар учун ўзига хос кўрик бўлган. Улар асосан Яссавий хикматлари, Навоий, Фузулий, Атоийнинг газалларини сўфийларнинг камолотга етишадиган тўрт боскич — шариъат, тарикат, маърифат ва хакикатга мос равишда кўйлаганлар. Огир, салмокли талкин бора-бора тезлашиб, авжига чиккан. Зикрчилар хам хофизларнинг мусикий овозига мос равишда тебраниб ўтириб, талкиннинг тезлиги ошган сари тебранганлар ва охир жазавага келганлар. (Тасаввуфнинг яссавия тарикатида зикр тилда (зикрал жаҳрий), накшбандия тарикатида эса дилда (зикрал-хофий) айтилади. Зикр пайтида мусикий талкин жуда таъсири бўлиб, уни «самъа» (арабча — само эшитмок) деб атаганлар, хилватда «зикр-само» (эшитиб, худони ёдга олиш) атамаси шундан пайдо бўлган. Хилватхонадан бир хафта ўггач, жума куни пешин намозидан кейин чикканлар. Ювениб, янги кийим кийганларидан сўнг, уларни муридлари кўтаришиб, уйига олиб борганлар.

Сўфидонишманд навбатдаги хилватни эълон килиб, мурид ва иштирокчиларга рухсат берган. Азизларни бир неча кун давомида халк зиёрат килган.

[2] Султонул-орифин — Яссавийнинг илмий рутбаси.

[3] Тўксон тушиш — уч ойлик киш.

[4] Даҳага кириш — масжидда ўтириб, гунохларидан ўтишини сўраб, тонг сахардан кун ботгунча ўн кун тоат-ибодатда Аллохга илтижо килиш.